

SCIENCE
PROBLEMS.UZ

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb muammolari

Son 7 Jild 4
2024

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ 7 (4) - 2024

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2024

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Турсунов Равшан Нормуратович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Холикулов Ахмаджон Боймаҳамматович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Габриэльян Софья Ивановна – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий Университети.

Саидов Сарвар Атабулло ўғли – катта илмий ходим, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази, илмий тадқиқотлар бўлими.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Насирходжаева Дилафруз Сабитхановна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Остонокулов Азамат Абдукаримович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент молия институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Хожаев Азизхон Саидалоҳонович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Фарғона политехника институти

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакарров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Саидова Камола Усканбаевна – фалсафа фанлари доктори, “Tashkent International University of Education” халқаро университети;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Ўроқова Ойсулов Жамолиддиновна – фалсафа фанлари доктори, доцент, Андижон давлат тиббиёт институти, Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мудири;

Носирходжаева Гулнора Абдукаххаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилевич – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳасанов Шавкат Аҳадович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Бахронова Дилрабо Келдиёровна – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Мирсанов Ғайбулло Қулмуродович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:

Аҳмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич – юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Каюмова Насиба Ашуровна – педагогика фанлари доктори, профессор, Қарши давлат университети;

Тайланова Шохидат Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент;

Жуманиёзова Муҳайё Тожиевна – педагогика фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Ибрахимов Санжар Урунбаевич – педагогика фанлари доктори, Иқтисодиёт ва педагогика университети;

Жавлиева Шахноза Баходировна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети;

Бобомуротова Латофат Элмуродовна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбахор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Шамшетова Анжим Карамаддиновна – психология фанлари доктори, доцент,

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси.

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атақулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).

MUNDARIJA

07.00.00 – TARIX FANLARI

Abduxamidov Islombek

O'ZBEKISTON AHOLISINING ROSSIYA FEDERATSIYASIDA MEHNAT MUHOJIRLIGI TARIXI	10-18
--	-------

Фарманова Гульнара Комилевна

ПОДНЯТИЕ МЕТОДИКИ АРХЕОЛОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ НА ОБЩЕМИРОВОЙ УРОВЕНЬ В СОВРЕМЕННЫХ УСЛОВИЯХ	19-24
---	-------

Индиаминова Шоира Амриддиновна

РАЗВИТИЕ КУЛЬТУРЫ И ИСКУССТВА В САМАРКАНДСКОМ СОГДЕ В ЭПОХУ РАННЕГО СРЕДНЕВЕКОВЬЯ	25-29
--	-------

Mirzakhmdamova Dildora Zafarovna

XOTIN-QIZLAR BANDLIGINI TA'MINLASHDA FARG'ONA VILOYATIDA IPAKCHILK ORQALI KASANACHILIK VA UY MEHNATINI RIVOJLANTIRISH	30-35
--	-------

Ismoilova Parvina

TURKISTON MINTAQASIDAGI INSTITUTSIONAL O'ZGARISHLAR: ROSSIYA KAPITALI UCHUN KANALLARNING SHAKLLANISHI (19-ASR OXIRI - 20-ASR BOSHLARI)	36-41
---	-------

Jomurodov Lazizbek Islomovich

O'ZBEKISTONDA TERI-TANOSIL KASALLIKLARIGA QARSHI KURASH JARAYONI	42-46
---	-------

08.00.00 – IQTISODIYOT FANLARI

Назарова Раъно Рустамовна, Нигматуллаева Гульчехра Нуруллаевна

ОСНОВНЫЕ ФАКТОРЫ, КРИТЕРИИ И ПОКАЗАТЕЛИ, ОБЕСПЕЧИВАЮЩИЕ УСТОЙЧИВОЕ РАЗВИТИЕ В СФЕРЕ ЭНЕРГЕТИЧЕСКОЙ ОТРАСЛИ	47-54
---	-------

Yegamberdiyeva Xurshidaxon Alisherovna

VAGONLARDAN FOYDALANISHNING SIFAT KO'RSATKICHINI OSHIRISHNI TADQIQ QILISH	55-61
--	-------

Mamadaliyev Ulug'bek

JAHON TURIZMIDA TUROPERATORLIK FAOLIYATINING RIVOJLANISH HOLATI	62-69
---	-------

Jalilov Arslon Xoshimovich

TEMIR YO'L TRANSPORTINING INNOVASION MUHITDAGI RAQOBATDOSHLIK DARAJASINI BAHOLASH	70-75
--	-------

Kamchibekov Farxod Olimjonovich

O'ZBEKISTON HUDUDLARINING INVESTITSION JOZIBADORLIGINI OSHIRISHDA MAXSUS IQTISODIY HUDUDLAR VA KICHIK SANOAT ZONALARINING ROLI	76-82
---	-------

09.00.00 – FALSAFA FANLARI

Djurayev Lukmon Narzullaevich

ZAMONAVIY O'ZBEKISTON JAMIYATIDA YOSHLAR IQTISODIY MADANIYATINING TRANSFORMATSIYALASHUVI	83-87
---	-------

Norkulov Ubaydulla Umarovich

MAHALLADA JINOYATLARNI ERTA ANIQLASHDA JAMOATCHILIK NAZORATINI

KUCHAYTIRISHNING IJTIMOIIY-FALSAFIY MEKANIZMLARI 88-92

Пулатов Шердор Нематёнович

ДОКТРИНА ЛЮБВИ АЛИШЕРА НАВАИ И МАХАТМЫ ГАНДИ 93-105

Yusupov Murodali Sunnatovich

O'ZBEKISTON QISHLOQ XO'JALIGIDA INNOVATSION TIZIMLARNI QO'LLASHNING IJTIMOIIY-

FALSAFIY MASALALARI 106-110

Suleymanov Sarvar Sunatullayevich

O'ZBEKISTONNING YANGI DAVRGA XOS BO'LGAN MA'NAVIY TEXNOLOGIYALARNING

IJTIMOIIY-FALSAFIY ASOSLARI 111-116

Shernazarov Ravshan Avazovich

SIYOSIY E'TIQOD: UNING TIZIMI VA FUNKSIYASINING FALSAFIY TAHLILI 117-122

Nasrullayev Ravshanxon Sirojxonovich

VATANPARVARLIKNI IJTIMOIIY- MADANIY HODISA SIFATIDA AHAMIYATI 123-126

10.00.00 – FILOLOGIYA FANLARI

Matkarimova Salomat Ko'ziyevna

ALISHER NAVOIY VA HAYDAR XORAZMIY: MUSHTARAKLIK VA O'ZIGA XOSLIK 127-133

Tairova Maxfuza Abdusattorovna

INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDAGI MAMLUKATSHUNOSLIKKA DOIR RAMZIY VOSITALARNING

TARJIMADA QAYTA IFODALANISHI 134-139

Rahimova Maftuna

LISONIY BELGI VA ASSOTSIATSIYA 140-143

Umaraliyeva Dildora Taxirjanovna

O'ZBEK LATIFALARI, ULARNING TASNIFI VA TO'PLASH BORASIDA OLIV BORILGAN

TADQIQOTLAR 144-147

Xursanov Nurislom Iskandarovich

O'ZBEK FRAZEOLIK BIRLIKLARINING PRAGMATIK TAHLILI 148-154

Umarov Umidjon Akram o'g'li

RAMZ AXRETIPLARINING TASNIFLANISHI VA BADIY TAHLILI 155-159

Облокулова Шахло Асрор қизи

ЗАМОНАВИЙ ЖАҲОН АДАБИЁТИДА ТАОМ ДИСКУРСИ 160-164

Nazarova Lola Maqsadilla qizi

KORPUS LINGVISTIKASI: BNC KORPUSINING FUNKSIONAL XUSUSIYATLARI 165-170

Umarxonova Dilafruz Murotjonovna

"MARDLIK" VA "QO'RQOQLIK" KONSEPTLARINING AKSIOLINGVISTIK TAHLILI 171-175

Yunusova Ganjina Rustamovna

NAZMDA YO'L XRONOTOPINING BADIY-ESTETIK XUSUSIYATLARI 176-180

Мусаев Файзулло Оманович

АРАБ ДУНЁСИДА "МАСАЛ" ИЛМИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА РИВОЖИ 181-186

<i>Ubaydullayeva Dilafruz Fazliddinova</i> INGLIZ VA O'ZBEK TILIDAGI "ANGER" VA "G'AZAB " ATAMALARINING ETIMOLOGIK VA LEKSIKOGRAFIK TAHLILI	187-192
<i>Narmuratov Zayniddin Radjabovich</i> FRAZEOLOGIK BIRLIKLAR KOMPONENTLARI TAHLILI VA ULARNING STRUKTURAVIY MODELLARI	193-196
<i>Masharipova Nargiza Otaxonovna</i> TARIXIY-BADIIY ASARLAR TARJIMASIDA DINIY VA TARIXIY SO'ZLAR TARJIMASI MUAMMOSI	197-201
<i>Икромов Нугина Ойбековна</i> ПСИХОЛИНГВИСТИЧЕСКИЕ ТРУДНОСТИ ПЕРЕВОДА ЗАГЛАВИЯ ЛИТЕРАТУРНОГО ПРОИЗВЕДЕНИЯ	202-207
<i>Najmiddinova Mehriqul Najmiddin qizi</i> NEGATIVLIKNI IFODALOVCHI TEXNIKAGA OID TERMINLARNING QIYOSIY TADQIQI (INGLIZ VA O'ZBEK TILLARI MISOLIDA)	208-213
<i>Eshniyazova Maysara Beknazarovna</i> "NAZMUL JAVOHIR" ASARIDA G'OYAVIY BADIIY POETIKA	214-221
12.00.00 – YURIDIK FANLAR	
<i>Саидов Акроб Акмалович</i> ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ СИЁСАТИ ҲАМДА УНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	222-230
<i>Raimova Nargiza Doroyevna</i> TIJORAT MAXFIY MA'LUMOTLARINI HIMOYA QILISH: INTELLEKTUAL MULK HUQUQI SOHASIDAGI QONUNCHILIKNI TAKOMILLASHTIRISH ISTIQBOLLARI	231-237
<i>Умурзақов Жасурбек Қосимжанович</i> КРИПТО-АКТИВЛАР НОҚОНУНИЙ АЙЛАНМАСИ БИЛАН БОҒЛИҚ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	238-242
<i>Nurmamatova Noila Doniyorovna</i> KONSTITUTSIYAVIY SUDLOV ORGANI TOMONIDAN FUQAROLAR VA YURIDIK SHAXSLARNING SHIKOYATINI KO'RIB CHIQISHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI	243-248
<i>Muxammadjonov Jasurbek Jaxongir o'g'li</i> FUQAROLARNING TADBIRKORLIK BILAN SHUG'ULLANISH HUQUQINING XALQARO VA MINTAQAVIY HUQUQIY KAFOLATLARI	249-260
<i>Адилбаев Бекбосын Абатбаевич</i> ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ВАКИЛЛИК ТУШУНЧАСИ, МОҲИЯТИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ	261-267
<i>Турсунбоев Сардор Муроджон ўғли</i> ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИДА ТЕРГОВ ТУЗИЛМАЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	268-275
<i>Mukumov Bobur</i> O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VA GERMANIYA FEDERATIV RESPUBLIKASIDA TOVAR BELGILARINI HUQUQIY MUHOFAZA QILISH MASALALARI	276-282
<i>Nabiev Firuz Xamidovich</i> INTELLEKTUAL MULK SOHASIDAGI XALQARO HUQUQIY NORMLARNI O'ZBEKISTON	

RESPUBLIKASI QONUNCHILIGIGA IMPLEMENTATSIYA QILISHDA “MOSLASHUVCHANLIK” KONTSEPTSIYASINING O'RNI	283-289
---	---------

Калимбетов Ерназар

ГРАЖДАНСКИЕ ПРАВА В СФЕРЕ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА: ПОНЯТИЕ, ВИДЫ И СОДЕРЖАНИЕ В КОНТЕКСТЕ АДМИНИСТРАТИВНО-ПРАВОВОЙ ЗАЩИТЫ	290-297
--	---------

Ibrohimov Azimjon Abdumot'min o'g'li

KORPORATSIYANI AMALDA BOSHQARUVCHI SHAXSLAR JAVOBGARLIGI	298-306
--	---------

Ходжаева Ширин

ТЕОРЕТИКО-ПРАВОВОЙ АНАЛИЗ РИСКОВ, СВЯЗАННЫХ С ПРЕДДОГОВОРНЫМИ ОТНОШЕНИЯМИ	307-317
--	---------

Маматкулов Камолiddин Галабаевич

ТАҚИҚЛАНГАН ЭКИНЛАРНИ ЕТИШТИРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШДА ИСБОТЛАНУВЧИ ҲОЛАТЛАР ВА УЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ	318-323
---	---------

13.00.00 – PEDAGOGIKA FANLARI

Nazarova Ra'no Sidiq qizi

HUQUQBUZARLIKKA MOYIL BO'LGAN BOLALARDA O'Z-O'ZINI NAZORAT QILISH KO'NIKMASINI SHAKLLANTIRISHNING NAZARIY ASOSLARI	324-329
---	---------

Fayzullayeva Gulchexra Sharipboyevna

UMUMIY O'RTA TA'LIM MAKTAB O'QITUVCHISI KASB STANDARTINING MAZMUN TAHLILI	330-341
--	---------

Hamidova Laylo Kamildjonovna

OLIY PEDAGOGIK TA'LIMDA ARALASH O'QITISH MODELLARIDAN FOYDALANISHNING AFZALLIKLARI	342-346
---	---------

Ajiniyazova Sholpan Saparniyazovna, Uteniyazov Karimbay Kuanishbaevich

MAKTABDA KIMYOVIY MASALALARNI ECHISH BO'YICHA MASHG'ULOTLARNI TASHKIL ETISH SHAKILLARI	347-357
---	---------

Rasulova Dilafruzxon Sharobiddin qizi

GLOBAL PEDAGOGIK SAVODXONLIKNI RIVOJLANTIRISHDA TALABALAR KOMPETENSIYASIGA METODIK YONDASHUVLAR	358-363
--	---------

Kenjaboyev Sharifjon Shuxrat o'g'li

INDIVIDUAL-KABIY RIVOJLANISH – PEDAGOGIK KASBI TARBIYASINING AJRALMAS QISMI SIFATIDA	364-369
---	---------

Jalilov Umidjon Jahongirovich

OG'IR ATLETIKA MASHQLARINING AMALGA OSHIRISH USLUBIYATI	370-375
---	---------

Najmiddinova Gulnora Najmiddin qizi

OLIY TA'LIM TIZIMIDA SUN'IY INTELLEKT TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISH MEXANIZMLARI	376-381
--	---------

Received: 30 June 2024

Accepted: 5 July 2024

Published: 15 July 2024

Article / Original Paper

IMPROVING THE ORGANIZATIONAL AND LEGAL ACTIVITIES OF INVESTIGATIVE UNITS IN THE SYSTEM OF PROSECUTORS

Tursunboev Sardor Murodzhon ugli

Independent researcher of the Law Enforcement Academy

Abstract. The authors of the article draw attention to the changes that are taking place in the investigative apparatus of the prosecutor's office, because the judicial power in the country is strengthening, and the training of investigative personnel has been transferred to the disposal of the Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan. At the same time, the degree of responsibility of investigators is increased, which causes a certain impact on the investigative function in the prosecutor's office, which becomes a decisive function and influences the fight against crime.

Key words: Constitution of the Republic of Uzbekistan, prosecutorial supervision, improving the organizational and legal basis of investigative activities.

ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИДА ТЕРГОВ ТУЗИЛМАЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Турсунбоев Сардор Муроджон ўғли

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси мустақил изланувчиси

Аннотация. Прокуратура тергов органи сифатида амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлар ўзгаришлар киритилмоқда, жамиятимизда суд ҳокимиятининг тобора кучайиши, терговчиларни тайёрлаш ягона Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академиясига ўтказилиши, терговчи кадрларга бўлган эътиборни давлатимиз томонидан ошиб бориши ва шу билан бирга прокуратура терговчиларининг масъулияти ҳам юқори поғонага кўтарилиши билан боғлиқ ҳоллар прокуратура органларида тергов функцияси энг муҳим ва ҳал этувчи функциялардан бирига айланиб боришини муаллифлар ўзларининг мақоласида қайд этганлар.

Калитли сўзлар: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Прокуратура, , прокурор назорати, тергов фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V4I7Y2024N42>

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Инсон ҳуқуқлари бузилишига барҳам бериш мақсадида суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, прокуратура органлари фаолиятини такомиллаштириш ва одил судлов тизими ваколатларини мустаҳкамлаш, шунингдек, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича миллий институтлар фаолияти учун кенг шароитларни яратиш, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги давлат сиёсатини мониторинг қилиш ва баҳолашнинг миллий тизимини янада ривожлантириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий

маъданиятини ошириш, жамиятда инсон ҳуқуқлари маданиятини юксалтириши устувор вазифаларимиздан бири бўлиб қолади” [2].

Ҳуқуқий демократик давлатнинг энг асосий талабларидан бири қонуннинг устуворлиги, унга итоат этиш ва уни ҳурмат қилиш ҳисобланади. Шу билан бирга, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституция ва қонунларга мослигини таъминлашда давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва жамоалар, мансабдорларнинг Конституция ва қонунларга мувофиқ фаолият юритиши муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Суд-ҳуқуқ тизимини тубдан ислох қилиш доирасида прокуратура органлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича бир нечта муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 25 боби бевосита прокуратура органларига бағишланган бўлиб, 143-146-моддаларида прокуратура органларини ташкил этиш, уларнинг ваколатлари ва фаолият кўрсатиш тартиби қонун билан белгиланиши мустаҳкамланган [3].

Конституцияда прокуратура органлари фаолиятига аралашиш тақиқланиши алоҳида қоида сифатида белгиланган. Айнан ана шу мустақилликда прокурор назоратининг ўзига хос хусусияти намоён бўлади. Унинг ўзига хослиги шундаки, прокурор фаолияти на қонун чиқарувчи, на ижро этувчи ва на суд ҳокимиятига дахлдор, унинг ҳуқуқий моҳиятида ҳокимиятнинг ҳар учала тармоғига хос аломатлар бор. Прокуратура ўз вазифалари нуқтаи назаридан ҳокимиятнинг ҳар бир тармоғи билан боғлиқ бўлса-да, лекин уларнинг бирортасига ҳам кирмайди.

Прокуратура органларининг ҳар бир ходими Конституциямизда белгилаб берилган устувор тамойил ва қоидаларнинг тўлиқ рўёбга чиқиши учун ҳисса қўшишни, эл-юртга садоқат билан хизмат қилишни ўзининг шарафли бурчи деб билади.

Прокуратура органлари қонун устуворлигини таъминлашда Конституциянинг 18-моддасида белгиланган “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар” деган қоидага амал қилади.

Прокуратура органлари жамиятда ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг барқарорлигини таъминлар экан, жиноятчиликка қарши курашувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш йўли билан ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишини аниқлаш ва бартараф этишни назарда тутди.

Прокуратуранинг ушбу конституциявий мақомида давлат органи сифатида унинг олдида қўйилган барча вазифалар мужассамлашган.

Барчамизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади.

Прокуратура айнан шу қоида ва талабларнинг бажарилишини, яъни мамлакатимизда қонунларнинг аниқ ва бир хил ижро этилишини назорат қилади. Прокуратура органларининг фаолияти мамлакат ҳудудида қонуннинг устувор бўлишини,

қонунийликни таъминлашни ва унинг барқарор бўлишини, фуқароларнинг Конституция билан кафолатланган шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Ўзбекистонда прокуратура ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органи, жамоат бирлашмаси ҳамда мансабдор шахсдан мустақил равишда, фақат қонунга бўйсунган ҳолда амалга оширувчи давлат органидир. Прокуратурага бундай конституциявий мақомнинг берилиши прокуратура органлари самарали фаолият юритишининг ва улар мустақиллигининг муҳим омили ҳисобланади.

Прокуратура органларининг ҳуқуқий мақоми уларнинг олдида қўйилган вазифалар, жамият тараққиёти, бошқарув тизимининг демократлашуви ва эркинлашуви билан боғлиқ тарзда такомиллашиб бормоқда. Прокуратура органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида миллий қонунчиликка прокуратура органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, унинг ваколатларини кучайтиришга қаратилган бир қатор ўзгартиришлар киритилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 ноябрдаги “Жинойятларни тергов қилиш соҳасида малакали кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ги фармони мамлакатимизда тергов фаолиятида “Инсон қадри учун” деган эзгу ғояни тўлиқ рўёбга чиқариш, жиноятларни ўз вақтида фош этишни ташкил этиш тергов органларининг фаолиятини, қонун устуворлигини ва қилмиш учун жазо муқаррарлигини таъминлаш тамойили асосида такомиллаштиришнинг муҳим вазифаларидан бири бўлди.

Янги Ўзбекистон шароитида жиноятларни тергов қилиш соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш амалиётини янги босқичга олиб чиқиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ташкил этилди. Бу муассаса илғор халқаро стандартлар ва замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжини қондириш вазифасини бажаради.

Прокуратура органлари фаолиятига оид қонунчиликка киритилган ўзгартиришлар таҳлили шуни кўрсатадики, бу ўзгартиришлар асосан фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва манфаатларини, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилишга, мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга йўналтирилган.

Прокурор назорати давлат фаолиятининг алоҳида кўриниши ва прокуратуранинг асосий функцияси ҳисобланади. Бу функция прокуратуранинг давлат органи сифатидаги ўзига хос мақомини ва ижтимоий-сиёсий аҳамиятини белгилаб беради. Давлат мамлакат қонун устуворлигини ва қонунийликнинг мустаҳкамлигини айнан прокурор назорати орқали таъминлайди.

Прокуратуранинг мақомини ошириш, унинг функциялари ва мажбуриятларини тўғри белгилаш, хизматни ўташнинг аниқ тартибини ўрнатиш, фаолиятга замонавий илғор тажрибаларни жорий этиш, фаолият самарадорлигини ошириш каби муҳим масалаларни қонунга киритиш ва амалда қўллашни таъминлаш ҳозирда бирламчи долзарб вазифа ҳисобланади.

Прокуратура органларининг фаолиятини ташкилий жиҳатдан такомиллаштириш йўналишларидан бири - бу уларнинг моддий таъминоти (техникаси, хизмат бинолари,

зарурий жиҳозлар, воситалар ва бошқалар), иш ҳақи, ижтимоий кафолатлари, ижтимоий ҳимояси, пенсия таъминоти қонун билан қатъий регламентланган бўлиши ҳамда бу тартиб уларнинг бошқа ҳокимият субъектларига шубҳали ва асоссиз тобелигини келтириб чиқармаслиги лозимлигидир.

Прокуратуранинг мустақил фаолият юритиши учун моддий жиҳатдан давлат кафолати зарур. Яъни, прокурорнинг мустақиллиги, шунингдек, прокуратура органлари ўз вазифаларини тўғри бажариши учун етарли миқдорда бюджет маблағлари ва барча зарур ресурслар билан таъминланиши керак.

"Прокуратура тўғрисида"ги Қонуннинг 4-моддасига кўра, прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири - бу тезкор-қидирув фаолиятни, терговга қадар текширувни, суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш ҳамда уларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш, жиноятлар юзасидан дастлабки тергов олиб боришдир.

Қонунда белгиланган ушбу ваколатлар мазмун ва моҳиятидан келиб чиқиб, прокуратура органларининг тергов фаолиятидаги йўналишлари қуйидагича:

1. Жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш.
2. Суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш.
3. Дастлабки терговни амалга ошириш.

Прокуратура органлари фаолиятини янада такомиллаштириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

1. Прокуратура ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш. Бу мақсадда халқаро тажрибани ўрганиш ва қўллаш, замонавий таълим технологияларини жорий этиш зарур.

2. Прокуратура органларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш. Бу ўз ичига замонавий техника ва жиҳозлар билан таъминлаш, хизмат биноларини яхшилаш каби масалаларни қамраб олади.

3. Прокуратура ходимларининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш. Бу иш ҳақи, пенсия таъминоти, турли ижтимоий кафолатларни ўз ичига олади.

4. Прокуратура органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш. Бу прокуратура фаолиятининг шаффофлигини ошириш ва фуқаролар ишончини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

5. Прокуратура органларининг бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлигини янада ривожлантириш. Бу жиноятчиликка қарши курашнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

6. Прокуратура фаолиятида замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш. Бу иш самарадорлигини ошириш ва маълумотлар алмашинувини тезлаштиришга имкон беради.

7. Прокуратура органларининг халқаро ҳамкорлигини кенгайтириш. Бу хорижий тажрибани ўрганиш ва қўллаш, шунингдек, халқаро жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорликни кучайтириш имконини беради.

8. Прокуратура ходимларининг ҳуқуқий ва ахлоқий маданиятини юксалтириш. Бу уларнинг жамиятдаги обрўсини ошириш ва коррупсияга қарши курашишга ёрдам беради.

9. Прокуратура фаолиятини тартибга солувчи қонунчиликни янада такомиллаштириш. Бу прокуратура органларининг ваколатлари ва мажбуриятларини аниқ белгилаш, уларнинг фаолият самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

10. Прокуратура органларининг жиноятчиликка қарши кураш бўйича профилактика фаолиятини кучайтириш. Бу жиноятларнинг олдини олиш ва жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ёрдам беради.

Жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш фаолиятига кўра, «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунга асосан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини таъминлаш мақсадида тезкор-қидирув фаолиятни, терговга қадар текширувни, суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширадиган тегишли органларнинг фаолиятини мувофиқлаштириши белгиланган.

Мазкур органлар фаолиятини мувофиқлаштириш учун прокурор мувофиқлаштирувчи кенгаш чақиради, ишчи гуруҳлар ташкил этади, зарур ахборот, шу жумладан статистика маълумотларини талаб қилиб олади, қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ҳозирги кунда амалдаги қонунчиликда прокуратуранинг суриштирув ва дастлабки тергов органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ваколатлари, қўллайдиган таъсир чоралари ва назорат ҳужжатлари ҳақида тегишли нормалар етарли эмас. Бу ҳолат прокуратура фаолиятининг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги Қонунида прокуратуранинг жиноятчиликка қарши курашувчи, шу жумладан суриштирув ва дастлабки тергов органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вазифа ва ваколатларини янада аниқроқ кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Бу прокуратура органларининг фаолиятини янада самарали ташкил этишга ёрдам беради.

Суриштирув ва дастлабки тергов органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш самарадорлигини ошириш мақсадида ушбу фаолиятни рақамлаштириш йўлга қўйилди. Бу жараёнда электрон дастур жорий этилди, бу эса мувофиқлаштирувчи кенгаш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш имконини беради.

Электрон дастур ёрдамида қуйидаги жараёнларни автоматлаштириш ва оптималлаштиришга эришилди:

1. Мувофиқлаштирувчи кенгаш режасини ишлаб чиқиш ва келишиш;
2. Режани ижрога юбориш;
3. Режа бўйича таҳлилий маълумотларни тўплаш;
4. Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишларини белгиланган муддатларда ўтказиш;
5. Кенгаш қарори лойиҳасини келишиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юбориш;
6. Қарорни имзолаш ва ижрога қаратиш;
7. Ижроси бўйича ахборотларни жамлаш.

Бу тизим ортиқча вақт ва сарф-харажатларни тежаш имконини беради, шунингдек, фаолият самарадорлигини оширади.

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари тизимида тергов тузилмалари фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш қўйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилиши мақсадга мувофиқ:

– тергов тузилмаларини ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатдан таъминлаш. Бу йўналиш Тергов тузилмаларининг Низомини тасдиқлаш, ташкилий жиҳатдан уларга тегишли бино, транспорт, алоқа тизими, ахборот-коммуникация технологияларига оид воситалар билан таъминлаш, Прокуратура ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ўртасидаги алоқаларни тўлиқ равишда электрон алоқа тармоғига бирлаштириш, Электрон алоқа тармоғининг хавфсизлик фаолиятини таъминлаш кабиларни ўз ичига олади.

– тергов аппаратларининг тузилмалари ва уларнинг ваколат доирасини аниқ белгилаш. Бу масала Ўзбекистон Республикаси Жиноят-протсессуал кодексида, Бош прокурорнинг тегишли буйруғида акс эттирилиши керак. Бу ҳужжатларда тергов аппаратларининг протсессуал ваколатлари, мажбуриятлари ва кафолатлари аниқ кўрсатилиши лозим.

– тергов фаолиятини стратегик режалаштириш ва назорат қилишга тергов фаолиятини стратегик режа асосида ташкил этиш, ҳар ойда стратегик режадаги вазифаларнинг бажарилишини таҳлил қилиш, тергов фаолиятига тўсқинлик қилувчи омилларнинг тизимини аниқлаш, аниқланган тўсиқларни бартараф этиш бўйича тегишли тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш киради.

– тергов бўлинмаларини малакали кадрлар билан таъминлаш ва уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга жиноятларни тергов қилиш малакасига эга бўлган етук кадрларни жалб қилиш, янги ишга жойлашган терговчиларнинг яшаш шароитларини яхшилаш (уй-жой масаласини ҳал қилиш), терговчиларнинг болаларини боғчага жойлаштириш масалаларини тезда ҳал қилиш, терговчиларнинг турмушда дуч келадиган бошқа муаммоларини ҳал қилишда ёрдам бериш киради.

– тергов фаолиятини молиявий жиҳатдан таъминлаш. Бунинг учун прокуратура терговчиси оладиган маоши унинг оиласи олдида турган ҳар хил молиявий муаммолардан ҳоли қилиш зарур. Бунинг учун ходимни ижтимоий-моддий таъминлаш шундай бўлиши керакки, ходим фақат ўз тергов фаолияти тўғрисида ўйлаб, унинг самарасини янада ошириш мўлжалидан бошқа тергов билан боғлиқ бўлган муаммолардан йироқ бўлиши лозим;

– тергов аппаратининг ўзида амалга ошириладиган ҳужжатлар айланишини тез равишда электрон ҳужжатлар айланишига ўтказиш – давр талабидир, шунга асосан ҳар бир терговчи ўзининг компютери, принтери, сканери, Интернет билан алоқа қилиш имконияти, ички электрон тармоғи ва ҳар хил криминалистик маълумотларни иш жойида олиш имкониятига эга бўлиши шарт ва хизмат ҳужжатларини тузиш ўз вақтида амалга оширилиши лозим;

– тергов аппаратининг тегишли бўлган криминалистик ва тезкор-қидирув фаолиятига оид маълумотлар билан ўз вақтида таъминаб туриш даркор, чунки дастлабки терговда муайян жиноятларни тергов қилишда айнан ахборот жиҳатидан етишмовчилик сезилади ва бу нуқонни имкони борича мазкур таъминлов билан бартараф этиш лозим бўлади;

– тергов аппаратининг Республикамизда ва бошқа ҳудудларда мавжуд криминоген вазият билан ўз вақтида ҳабар бериб туриш электрон тизимини яратиш даркор, чунки криминоген ҳолати кетидан кузатиш ва жиноятларни содир этилиши билан боғлиқ сабаб ва шароитларни билиш муайян жиноятларни тергов қилишда сезиларли ёрдам бериши мумкин бўлади. Шу билан бирга тергов аппаратида жиноятларни тергов қилишга оид электрон методикалар манбасини яратилиши тергов фаолиятини олиб борганда терговчининг малакасини ошириш имконияти пайдо бўлади ва жиноятларни ўз вақтида сифатли очиш имконият даражаси тобора ошиб бориши мумкин бўлади. Бу борада прокуратура терговчилари Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг Криминология тадқиқот институти [5] билан ҳақорлик қилиши катта фойда бериши мумкин, чунки айнан шу муассаса жиноятчиликнинг сабаблари ва оқибатларини таҳлил қилишда Ўзбекистонда ягона амалий жиҳатдан катта фойда келтирувчи институт сифатида келажакда ўзини намоён этиши мумкин;

– прокуратура тергов аппаратлари устидан прокурорнинг бевосита назорат қилиб, процессуал идоравий текширувини амалга ошириши ҳам Бош прокурор томонидан махсус равишда чиқарилган буйруқ асосида амалга оширилиши лозим. Бу ерда тергов фаолияти бўйича самарали ишлайдиган ходимларни албатта рағбатлантириш ва тергов кўрсаткичлари паст бўлган терговчилар устидан тегишли интизомий жазо чораларини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади;

– прокуратура тергов аппаратлари бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан жиноятларни излари иссиғида очиш ҳамкорлик даражасини янги поғонага кўтаришлари керак, чунки жиноятчиликнинг даражаси жамиятда тобора ўсиб бориш оғишмасига эга ва буни олдини олувчи омил сифатида фақат жиноят учун жазонинг муқаррарлиги принципи ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиши мумкин бўлади;

– прокуратура тергов аппаратларини ўз вақтида ҳуқуқ тизимидаги янги ўзгаришларни барвақт ҳабардор қилиш вазиятини яратиш лозим, бу билан терговчилар янги қонунларни татбиқ этишда биринчилар қаторида бўлиб, терговни янада сифатли ва натижали олиб бориш имкониятларига эга бўлади;

– прокуратура тергов аппаратларида коррупцияга қарши ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга ошириш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади.

Юқоридаги талаблардан келиб чиқиб, прокуратура тергов аппаратларининг фаолияти фақатгина айтиб ўтилган талабларни бажарганида унинг ташкилий-ҳуқуқий фаолияти тўлиқ равишда таъминланган бўлиб, ўзининг ижобий таъсирини бевосита жиноятларни тергов қилишда намоён қилади.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти М.Ш.Мирзиёевнинг “Прокуратура органлари ходимлари ва фахрийларига табриги. 08.01.2024 й.
2. Ш.М.Мирзиёев. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. Тўлдирилган иккинчи нашри. – Т.: “O`zbekiston” нашриёти, 2022. - 440 бет.
3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент: “O`zbekiston” нашриёти, 2023.- 117-119 бет.

4. Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги қонуни. 29.08.2001 й. 257-II-сон. <https://lex.uz/acts/106197>
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасини илмий тадқиқ қилиш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2024 йил 15 январдагим №ПФ-10-сонли Фармони//QMMB: 06/24/10/0031-son 16.01.2024-у

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ 7 (4) – 2024

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари**” электрон
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-
сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”
масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-
уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).